

БУХОРО ФОЛЬКЛОРИДА ЯНГИ БОЛАЛАР ИЖОДКОРЛИГИ НАМУНАЛАРИ

Авезов Собит Сафарович,

БДПИ Мактабгача таълим кафедраси профессори (в.б.),

филология фанлари номзоди

<https://doi.org/10.53885/edinres.2024.2.2.005>

Аннотация: Мақолада Бухоро болалар ўйин фольклори намуналари поэтикаси ва композицияси, жанрий таркиби ва бадиий хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: фольклор, поэтик фольклор, Бухоро болалар ўйин фольклори, бадиият, композиция, жанр таркиби, жанр ички тузилиши

Аннотация: В статье описываются поэтика и композиция новые детской игры бухарского фольклора, жанровая композиция и художественные особенности.

Ключевые слова: фольклор, поэтический фольклор, бухарский детский игровой фольклор, искусство, композиция, жанровая структура, жанровая внутренняя структура.

Abstract: The article describes the poetics and composition of the children's game of Bukhara folklore, genre composition and artistic features.

Key words: folklore, poetic folklore, Bukhara children's play folklore, art, composition, genre structure, genre internal structure

Бухоро тарихий ва маданий жиҳатдан жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшаётган қадимий ўлка бўлиб ҳисобланади. Жаҳон илм-фан ва маърифат оламига Ибн Сино, буюк муаррих Наршахий, улуғ шоир Абу Абдулло Рўдакий ва маърифатпарвар мутасаввуф алломалар Имом ал-Бухорий, Абдухолик Гиждувоний, Баҳоваддин Нақшбанд каби улуғ зотларни етиштириб берган маскан саналади. Бухоро фольклори ҳам жуда ўзоқ тарихий тараккиёт йулини босиб ўтган халқимиз томонидан ижодий яратилган умрбоқий маданий меросимиздир. Бу юксак маънавий мерос қанчалик ўрганилган сари унинг ғояси, ранг-баранг мазмуни, бадиий эстетик туйғулари, халқимизнинг яшаш тарзи, миллий урф-одати, расм-русми. анъаналари ва қадриятлари ўз инкишофини топганлигининг чуқур гувоҳи бўлади.

Бухоро фольклори жанрлари ранг-баранглиги билан бошқа худудий –регионал жиҳатдан фарқланганидек, ўзига хос кўриниш, композиция ва поэтик хусусиятларга эга. Булар халқ оғзаки ижодининг ривоят, асотир, афсона, терма, дoston, қўшиқ, сўз магияси руҳидаги кинна қўшиқлари, эртақлар, болалар ўйинлари ва уларнинг ранг-баранг жанрлари, мақол, топишмоқ ва тез айтиш каби жанрлари мавжуд. Ана шу жанрлар орасида Бухоро фольклорида тарихий тараккиёти жиҳатдан нисбатан кейинроқ пайдо бўлган болалар ўйини унинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Болалар фольклорининг асосий хусусияти шундаки, унда болалар ижодкорлиги асосий қамровини эгалласа-да, муайян қисми катталар ижодкорлиги, урф-одатлари, анъаналари, саъй-ҳаракатлари таъсири доирасида кечади. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, ўзбек болалар ўйин фольклори халқимизнинг неча минг йиллик тарихи турмуш тарзи, ижтимоий-ахлоқий қарашлари ва эстетик дидини намоён этувчи маънавий қадриятларимиздир. Рус болалар фольклоршунослиги асосчиси Г.С.Виноградов «Болалар ўйинлари- болалар учун дунёни ихтиёрий ва мустақил англашнинг энг муҳим воситаси. Аждод ва авлодлар ўртасидаги урф-одат, анъаналарни боғловчи қадриятдир»-деб изоҳласа, профессор О.Сафаров «Ўйинларда халқнинг тарихий қисмати, олис ўтмишга хос турмуш тарзи, урф- одатлари зухур топган. Бола ўйин жараёнида аждодларнинг ана шу тарихидан воқиф бўлади, ана шу воқифлик замирида эса Ватанни англаш, унга меҳр билан қараш ҳисси уйғонади, ўзлигини англашга йўл очила боради.»-деб ёзади. 2Бухоро ўйин фольклори ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак даражада яратилган асар намуналаридан иборат. Ўйинларда буюк халқимизнинг тарихий тараккиёти, яшаш тарзи, урф-одатлари, расм-русмлари, анъаналари ва қадриятлари ўз аксини намоён этади. Уларни эгаллашга, ўрганишга, ардоқлаб, келгуси авлодга етказиш бурчини, масъулиятини юклайди.

Болалар ўйинлари фольклори анъанавийлиги ва кўп вазифавийлиги билан ажралиб туради. У шунчаки болаларнинг эрмак ва овунчоқлари бўлибгина қолмай, буларнинг жисмоний, ахлоқий

ва рухий-эстетик жиҳатдан баркамоллигини таъминлайди.

Бухоро ўйин фольклори ҳудудий-регионал жиҳатидан анча ёзиб олинган. Бу намуналар мақсади асосан этнопедагогик қарашлар нуқтаи назаридан тўпланган. Уларнинг кўпчилиги фольклорий ҳодиса сифатида таҳлилга тортилмаган. Бундай болалар ўйинларининг генетик асослари, жанрий табиати ва халқимиз миллий кадриятлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, уларнинг бадиий эстетик қиммати назарий жиҳатдан яхлит тадқиқот объектига олинмаган.

Бухоро ўйин фольклори йигирманчи аср йигирманчи йилларидан бошланган. Бундай ўйинларда ижтимоий ҳаёт воқелигитасвирланган бўлиб, болалаларнинг табиат, жамият ҳақидаги қарашлари, хусусан катталар таъсири натижасида юзага келганини тасаввур қилиш мумкин:

Ким урди-ю, ким урди,
Бухоронинг оқ кўкати(н)
Унда-ку кўйлак йўқ эди,
Кўйлагини ким тўқиди?3

Бу тўрт мисра мазмунида арава билан савдо қилиб юрувчи тужжорнинг янги кўйлак олиб келганлиги болани қизиқтиради. Ушбу кўшиқ овутомачок, санама ва суюш кўшиқларида восита бўлиб хизмат қилади.

Бухоро болалар ўйининг кўп қисмида халқни турмуш тарзи, урф-одатлари, расм –русмлари ва анъаналари ўз инъикосини топган.

- Ола тоғнинг бошида не кўрдинг?

-Оқ бешикни мен кўрдим.

Оқ бешикни ичида

Оқ болани мен кўрдим

Оқ болани кўлида

Оқ пиёла мен кўрдим

Оқ пиёла ичида

Қизил олма мен кўрдим.

Қизил олма тишладим,

Самаркандда қишладим.

Қўзивой тоғам хотини

Қиздай бўлиб ўтирибди

Икки юзи қип-қизил

Бийдай бўлиб ўтирибди.

Бетинг қурғур бешқалдоқ,

Бешик йўниб ўтирибди.

Катта-катта балиқлар

Бола босиб ётибди.

Кичик-кичик балиқлар

Киндик кесиб ётибди.

Зочак деган ер юткур

Юпқа ёзиб юрибди.

Болалар ўйинлари замирида айтиладиган ушбу намуналар ўйинбоши томонидан ижро этилади. Бу шеър кўп вазифали бўлиб, қизиқмачок жанрига хос, гоҳ санамаларда санаш оҳангида, гоҳ айтишмаларда поэтик оҳанг ва бошқа муносабатларни намойиш этиш учун хизмат қилади.

Ушбу матндаги поэтик хусусиятлар куйидагиларда намоён бўлади: Бухоро заминидан тоғ йўқ. Олатоғ-рамзий образ бўлиб, у орзу тоғи, бахт-саодат тимсоли бўлиб тасвир этилади. Шунинг учун ҳам бу тоғнинг бошида бешик турибди. Бешик ичида бола. Оқ бешик ҳам, оқ бола ҳам –бу борлиқнинг энг улуғ, тенгсиз яратмалари. Оқ ранг эса беғуборлик, тиниқлик белгиси. Бола ва бешикка бундан ортиққийс, ўхшатиш йўқ. Боланинг табиати гўзал, шунинг учун барча нарсаларни ана шу тиниқ рангда кўришни истайди. Ҳатто турли ранг ва безакка эга бўлган пиёла ҳам унинг наздида оқ, оппоқ. Бола олмани ҳамок рангда кўриши мумкин эди. Бироқ қизил олма рамзий тимсол-самимий муҳаббат белгиси. Қизил олмани истеъмол қилиш Самаркандгача учиб бориш, у шаҳарда қишлаш бош образ тасаввурининг ҳосиласи сифатида намоён бўлади. Бола тасаввурида Самарканд узокдаги сеҳрли шаҳар. Қиш умргузаронлик учун мураккаб фасл бўлгани

сабаб, у уша маскандан нажот топишини яширмайди. Боланинг тоғаси Кўзивой аканиг хотини бийга, яъни ёшқулунлаган отга қиёс қилинади. Гарчи у фарзанд кўрган бўлса ҳам, ҳали балоғат ёшидаги қиз болага ўхшатилади. Унинг шижоати, барвасталиги тасвирда ойдин кўриниб турибди. Бешқалдоқ (бешиктерватар ҳашорати) бола туғилган бўлса-да, у ҳали бешик яшаш билан овора. Бола табиатидаги воқеликка муносабатда қўпол сўзларни ҳам қўллайди. Бу қарғиш жанридаги сўз бўлиб, ўлсин, қабрга тушсин деган маъно бор. У фарзанд дунёга келаётган бўлса ҳам бефарқ, эътиборсизлик учун мана шундай қарғишга дуч келаяпти. Шеърдаги катта балиқлар-етилган балиқлар маъносида бўлиб, балиқ босиб ётибди-урчимок маъносида қўлланилмоқда. Босиб ётиш-товуққа хос бўлса-да, бу ҳолат балиққа кўчирилмоқда. Бу бола тушунчаси ва тасавуридаги камчилик саналса-да, умумий мазмун ва моҳият жиҳатидан уйғун келиб, шеърда ритмик оҳанг касб этмоқда. Киндик кесиш-ўз маъносида она танасидан болани ажратиш мазмунини англатади. «Киндиги боғлиқ» -бир-бир билан яқин, ажралмас дўст деган мазмун ҳам ифодалайди. Бу ибора Бухорода кенг мазмунли бўлиб, юртга, тупроққа, дўст-ёрга ва қариндошга яқин боғланиш, ҳамкор-ҳамнафас бўлиш туйғуларини англатади.

Кўшиқда бир қанча Бухоро шева ва иборалари учрайди. Хусусан, ўтирибди, ётибди, юрибди каби мустақил маъноли сўзлар ўзаро сўзлашувда иш-ҳаракатнинг давомийлигини ифодалаб, кўмакчи феъл вазифасида қўлланилади. Бийдай бўлиб ўтирибди-бийдай кўринаяпти, йўниб ўтирибди-йўнаяпти, бола босиб ётибди, киндик кесиб ётибди-босаяпти, кесаяпти маъносида ҳозирги замон давом феъли шаклида келмоқда. Биз ёзиб олган вариантда юпқа ўрнида “хамрош” (хамир оши сўзи қўлланилган). Бу ҳолатларнинг барчаси Бухоро шевасига хосдир. Кўшиқ ижодкорлигида болаларнинг бевосита тасавури хис қилиб турилса-да, унда катталар таъсирини кузатиш мумкин. Чунки болалар нутқида юқоридаги катталарга хос бўлган ибораларни қўллаш деярли сезилмайди.

Бухоро фольклори болалар ўйинлари композицион жиҳатидан умумўзбек фольклори болалар ижодкорлигидан тубдан фарқ қилмаса-да, образлари, бадий ифодавий тасвир ваўзига хос таркиби билан фарқланиб туради. Ўйиндаги асосий қаҳрамон бола бўлса, у билан муносабатдаги бошқа образлар ҳам муайян ғояни илгари суради.

Болалар ўйинлари билан боғлиқ ижодий намуналар композицион жиҳатидан ранг-барангдир. Улардаги асосий восита-ритмик оҳангни шакллантиришдир. Ритмик оҳангдорлик болаларнинг ўйинга, ўйин бошига нисбатан қизиқишни оширади. Ўйин эса эстетик туйғуга қурилган ғолиблик учун олиб бориладиган шижоат майдони саналади. Ўйин кўшиқлари кўп қисми тўрт мисрадан иборат бўлиб, йигирма олти мисрагача матнни ташкил этади. Аксарияти а-а, б-б тарзида қофияланган. Қофиялар ҳам етти бўғинни ташкил этади. Ҳамма пайтда ҳам қофиядош сўзларга қатъий риоя қилинмайди. Болаларни кўпинча воқелик ўзига тортиб кетади. Болалар нутқида эса катталарга тақлид сезилиб туради. Бу воқеа-ҳодиса баёнида айрим сўз, ибора ёхуд гапларни улар нутқидан фойдаланганлиги кўринади. Бу воситалар болалар лексикасини бойитиш билан бирга шеър ижодкорлиги савиясини оширади. Ўйинда ритмик оҳангдорликни келтириб чиқаришда, яхлит узвга эришишда интилиш аёнлашади. Шуниси аёнки, ижод намуналарида бундай омилкорлик ҳеч қандай сакталиқ ёки ортикчаликни англатмай, фикр равонлиги учун хизмат қилади. Шеърларда Бухоро шеваси жуда кўп учрайди: келопти, кетопти, ман, сан, шердан (шу ердан) зочак (қўғирчоқ), ушпулак (хуштак), инак (сигир), гўсала (бузоқ) самбўса (сомса) трамо (куз) каби. Қуйидаги ёзиб олган шеърда ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин:

- Дугонажон, дугонажон,

Ман сани кўролмадим.

Инагимни дастидан

Бухоро боролмадим.

Бундан ташари, болалар нутқида –ни тушум келишиги билан –нинг қаратқич келишиги, –га жўналиш келишиги билан ўрин-лайт ке-лишигини фарқлашда адабий тил меъёрлари нуқтаи назаридан хатоликларга йўл қўядилар. Юқоридаги парчада ҳам ана шу ҳолатни кўриш мумкин: –қаратқич келишиги ўрнида –ни тушум келишиги ноўрин қўлланилган. Бундан ташқари, тожик болалар нутқидан ўйин жараёнида ўтиб қолган бир қанча тожик сўзларини учратиш мумкин:

даст, бахшида, сара, бача, ситора, пазанда, хўранда, домод, товушқон ва бошқалар.

Болалар нутқида сўзларнинг товушларини тушириш, ўзгартириш ва «янгилаш» иштиёқ кучли сезилади. Бундан асосий мақсад болаларни ўйин жараёнига эътиборини тортиш, диққатини жалб

қилишдан иборатдир. Бу соҳада, айниқса, ўйин бошиларнинг ижодкорлиги баланддир. Уларнинг хатолари болаларга ижодкорлик «намунаси» бўлиб хизмат қилади. Чунончи, чучвара сўзи тушбера, гўшт сўзи гўш, мушт сўзи муш тарзида айтилади.

Болалар ижодкорлигида ҳозирги давр замонавий техник восита номларини қўллашга ҳавас ошиб бормоқда. Хусусан, шеърларда компьютер, телефон, самолёт, поезд, смс, телевизор, кема, пароход, реклама, вертолёт каби сўзлар ҳам учрайди.

Биз ёзиб олган санамада самолёт-кўк,осмон рамзи сифатида тасаввур қилинган. Болалар улуғ саркарда,буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан яратилганлиги аён. Мисра бошидаги «Антантина» сўкма (маъносиз) сўз, бу сўзнинг асосий хизмати кейинги мисралар учун ритмик оҳанг яратиб беради:

Антантина,
Самолётга мина,
Бом-бом,
Очилди альбом,
1996 йил-
Темур бобомга
Ассалом!б

Шеърдагиги «Бом-бом» ундовсўзи юксак садо оҳанги маъносини ифодаламақда. Альбом-бола учун воқеликни тарих саҳифаларига муҳрловчи тушунча сифатида англашилади. Улуғ саркардага баён этилаётган азиз калом ҳам битта- «Ассалом!». Бухоро болалар ўйин фольклори поэтик жиҳадан бой ва ранг-барангдир.

Бухоро болалар ўйинлари мазмун ва мундарижа жиҳатидан бой, ранг-барангдир. Болалар фольклори жанрий жиҳатдан икки қисмга бўлиб ўрганилади. Болаларнинг мавсумий ва маросим фольклори бўлса,иккинчиси болалар ўйин фольклоридир.

Болалар мавсумий ва маросим фольклори мавзу жиҳатидан кенг бўлиб, унга алла, болалар қўшиқлари, термалар, айтишувлар, Рамазон қўшиқлари, муножотлар, насихатлар, юмористик шеърлари ва бир қанча жанрий таркибдан иборат.

Ана шундай жанрлардан бири-алладир. Алла оналар қўшиғи бўлиб, унда болани дам олдириш, ухлатиш учун айтиладиган қўшиқлар саналади. Бу қўшиқларнинг асосий ғоявий мазмуни оналарнинг қалбларидаги ички рухий тўлқинлари ва Оллоҳга нидолари сифатида юзага келган. Ўзбек олимларидан Ғози Олим Юнусов, Элбек, кейинчалик О.Сафаров "Бойчечак" тўпламида 250дан ортиқ алла матнларини келтирган бўлса, олима М.Ёқуббекова шу мавзуда номзодлик ишини ҳимоя қилган. Профессор 2003 йилда "Алла-ё, алла" тўпламида ўзбек оналари алласини бир жойга тўплаб нашр эттирди. Уларнинг кўп қисмида Бухоро оналар ижодкорлиги аниқ кўриниб туради.

Сан-ку манинг биргинам, алла-ё,алла,
Бошимдаги гулгинам, алла-ё, алла,
Гулгинамни йитирдим, алла-ё, алла
Йиғлаб куним ўтқирдим, алла-ё,алла

Кўринадики, матнда Бухоро вилояти шевалари жуда кўп учрайди. Улар сан, ман, йитирмоқ, ўтқирмоқ каби сўзлардир. Адабий тил меъёрида сан, ман-сен, мен, йитирдим-йўқотдим, ўтқирдим-ўтказмоқ маъноларида қўлланилади. Бу алла воқеий бўлиб, она якка-ягона фарзандини бошидаги гулга қиёс этмоқда. Бироқ она ана шу яғонасидан-гулидан ажралиб қолади. Алла-ё, алла сўз компоненти нафақат болани аллаловчи оҳанг, балки онанинг дил изҳорини ифода этувчи восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бу соҳада прфессор С.Сафаров, доцентлар Авезов, Н.Сафарова ва М,Рўзиева Н.Адизовалар изланиш олиб борган бўлсалар-да, ўзбек фольклоршунослиги нуқтаи назаридан ёндашганлар. Бухоро заминидан яшовчи халқ тили, миллий урф-одати ва менталитети жиҳатидан чуқур ёндашилмаган,

Алла жанрининг ўзига хос хусусияти шундаки, матнда «алла», «алла-ё, алла» каби сўз компонентлари узлуксиз такрорланиб келади. Сўз компоненти ҳаракат компоненти билан баровар тарзда она образи томонидан интим оҳангда амалга оширилади. Бешикнинг бир ритмик меъёрда тебраниши боланинг оромини таъминлайди. Гарчи боланинг қўл-оёқлари бешиқда боғлиқ ҳолда бўлса-да, ўзини алла оҳангида эркин ҳис қилади. Онанинг у ҳақдаги орзу-ҳавасга тўлган қувончи,

дард-аламга йўғрилган ҳасратлари ифодаланган алла нидоси оҳангида ухлаб қолади.

Алла сўзи мисранинг зачинада қўлланадиган матнлар ҳам учрайди:

Алланинг оти яхши

Минг қайғудан бир шод яхши.

Қадринг билмас қариндошдан

Билса қадринг ёт яхши

болалик пайдо бўлгандан буён мавжуд эканлигини ҳис қилиш мумкин. Бу жанр нафақат Ўрта Осиёда, балки дунё бўйича тарқалган мўъжизавий кўшиқдир: “Алла” сўзи тарихий генетик жиҳатидан жуда қадимий бўлиб, онанинг боласи бахти, соғлиқ-саломати учун Оллоҳга муножоти, илтижоси ва ички руҳий кечинмаларидир:

Алла демак – ҳақ демак

Ҳақдан сени тиларман,

Алла қўзим, алла.

Алла – онанинг Парвардигорга илтижоси бўлибгина қолмасдан, фарзанди, нури дийдасига чексиз меҳри, ҳаётдаги орзу, тилаги ва ягона умиди эканлиги она томонидан изҳор этилади. Буларнинг бари оналарнинг беқиёс ижодкорлик намунаси бўлиб, руҳий –ҳиссий туйғулар бадиий тасвирий ифодалар мисолида ташбеҳона акс эттирилган. Матнда боланинг табиати, хатти-ҳаракати жонли образда ифода этилган.

Болалар ўйинлари эса болалар томонидан бажариладиган ўйинлар мажмуасидир. Ўйинлар-болалар ижодкорлигидир. У-яхлит бир композицияга эга. Профессор О.Сафаров «Ўзбек халқ болалар ўйинлари» китобида 300 дан ортиқ ўйинларнинг тур ва хусусиятлари атрофича ёритилган. Ўйин жараёни таркибий жиҳатдан учга бўлинади: анъанавий дебоча (чорлама, чеклашмачоқ, санама), ўйиннинг ўзи ва якуни (тарқалмачоқ)дан иборатдир. Ўйинлар мазмун-моҳиятига кўра икки катта гуруҳга ажратилади: 1. Ҳаракатли ўйинлар. 2. Маънавий (сўз)ўйинлар.

Хулоса қилиб айтганда, болалар ўйинлари Бухоро фольклорида ажралмас ва бўлинмас таркибий узв сифатида алоҳида ўрин тутади. Болалар ўйинлари ижодкорлик намуналарини илмий таҳлил ва тадқиқ этишзариуряти эҳтиёжи сезилмоқда. Уларнинг ғоявий мазмуни ва бадиияти, композицияси, жанрий таркиби, ички тузилишларини ойдинлаштириш фан олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авезов С.С. Санама жанри табиати ва бадиияти. Монография.-Тошкент, Фан, 2008.

2. Бойчечак. (Тўпловчи ва тузувчи: Сафаров О, Очиллов К)-Тошкент, ҒАСҲ, 1984.

3. Бухор элда гул сайли... (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Д.Ўраева, Д.Ражабов)-Тошкент, Мухаррир,»2016

4. Виноградов Г.С. Русский детский фольклор. Иркутск, 1930, с.21

5. Сафаров О. Фольклор- бебағо хазина, Тошкент, Мухаррир, 248-бет.